



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 13 октябрь, № 206 (6900)

Жума

Сайтнинг ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳидни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг БМТ, унинг тузилиши ва институтлари билан амалий ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги мустаҳкамлашиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ва июнь ойларида БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад Ал-Хусайннинг Ўзбекистонга ташрифи ҳамда улар билан ўтказилган учрашувлар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги иштироки аён бўлган бўйича БМТ Барқарор тараққиёт мақсадлари-

га мувофиқ, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган «йўл хариталари» қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича қабул қилинган узоқ муддатли Харакатлар стратегияси ва БМТ билан кенг қўламли ҳамкорлик дастурининг устувор йўналишларидан бири экани алоҳида таъкидланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортик миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб келмоқда. Улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини рўйга чиқариши учун

зарур барча шароитлар яратилган. Жамиятимизда дўстлик ва меҳр-оқибат, миллатлараро ва динлараро тотувлик муҳити янада мустаҳкамланмоқда. БМТ махсус маърузачиси Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, бағрикенглик ва виждон эркинлигини таъминлаш, динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг камситилишига йўл қўймашлик бўйича янги босқичда амалга оширилаётган ўзгариш ва ислохотларни юксак баҳолади. Махсус маърузачи Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан БМТ Бош Ассамблеяси-

нинг 72-сессиясида баён этилган ташаббусларнинг долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилганини алоҳида қайд этди. Хусусан, Аҳмад Шаҳид «Маърифат ва диний бағрикенглик» номида махсус резолюцияни асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича амалий ҳамкорликни Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилаётганини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Учрашувда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатлар соҳасида

ўзаро мувофиқлаштирилган чоралар қўриш ва қўша тадбирлар ўтказиш масалалари ҳам муҳокама қилинди. БМТ махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонга ташрифи тадбирларга бой дастур асосида ташкил этилган учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикаси билан тизимли, очик ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини қайд этди. **Ў.А.** Фарход ҚУРБОНБОЕВ ва Елқин ШАМСИДИНОВ олган суратлар.

Аҳмад ШАҲИД: ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТАДИ

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси бошчилигидаги делегацияси жорий йил 2 — 12 октябрь кунлари мамлакатимизда бўлди. Делегация раҳбари Аҳмад ШАҲИД ташриф аяқлари бўйича ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, самимий қабул учун Президент Шавкат Мирзиёевга чўқур миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон Президенти билан мамлакатда турли миллат ва элат вакиллари, турли динга эътиқод қилувчилар ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш каби кўплаб масалаларни муҳокама қилдик. Биз Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида бўлдик, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оддий одамлар билан суҳбатлашдик.

Юртингизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва диний бағрикенгликнинг нақадар мустаҳкам эканлигига гувоҳ бўлдик. Шунинг билан таъкидлашим керакки, Ўзбекистонда бу йўналишда катта ютуқларга эришилган. Ислом илми ва маърифатига беқўйс ҳисса қўшган буюк алломалар қадамжолари обод этилиб, аҳоли ва меҳмонлар мазкур муқаддас масканларни эмин-эркин зиёрат қилмоқда. **(Давоми 2-бетда).**

Нуфузли Экспертнинг дастлабки хулосалари

Авал хабар берилганидек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид бошчилигидаги делегация шу йилнинг 2 — 12 октябрь кунлари мамлакатимизда бўлди.

АНЖУМИАН Кеча пойтахтимизда ушбу ташрифнинг дастлабки хулосаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Унда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, юртимизда фаолият олиб бораётган дипломатик корпус вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аъзолари, журналистлар қатнашди. Маърузачи Ўзбекистонда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижроси, шунингдек, халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилишига йўналтирилган эзгу ғоя амалий тасдиғини топаётгани, инсон ҳуқуқлари устуворлиги таъминлаётганини таъкидлади. У Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида қатор эзгу ташаббусларни илгари сурганини алоҳида эътироф этди. Делегация ташриф давомида парламент, вазирлик ҳамда идоралар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), жамоат ташкилотлари, диний конфессиялар вакиллари билан учрашди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Фарғона вилоятларига ташриф буюрди. **(Давоми 2-бетда).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Владимир Владимирович! Ҳурматли давлат раҳбарлари! Ҳамдўстлик давлатлари раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлашга ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга самимий қабул ва меҳмондўстлик, шунингдек, учрашувимиз юксак даражада ташкил этилгани учун чўқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Россия ўзининг раислиги доирасида Ҳамдўстликнинг устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кенг қўламли ишларни бажарди. Энг муҳими, Россия Федерациясининг принципиал позицияси туфайли МДҲга зарурат бор-йўқлиги тўғрисидаги мунозараларга «яқини нукта» қўйилди. Ҳамдўстлик ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини тўлиқ исботлаганини таъкидламоқчиман. Бугунги кунда Ташкилотимизни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг халқаро нуфузини муттасил ошириб бориш зарурлиги ҳақида аниқ тасаввур мавжуд. Бу Россия МДҲ фаолиятида, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли муносабатларни кенгайтиришда муҳим ва асосий ўрин эгаллашини яна бир бор тасдиқлади. Ҳурматли ҳамкасблар! Хаммаиз бугун дунёда рўй бераётган шиддатли ўзгаришларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Илғор технологияларнинг фаол жорий қилинаётгани ва глобал ахборот-коммуникация макони тараққий этаётгани барча жараёнларни жадал ва тез ўзгартирмоқда, қитъалар, минтақалар, давлатлар ва бизнес даражасидаги ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бугун ҳаётнинг ўзи эскича ёндашувлар самарасиз эканини яққол тасдиқламоқда. Асосий эътиборни конструктив амалий ҳамкорликка қаратиш лозим.

Биз шиддат билан олдинга қараб ҳаракат қилишимиз зарур. Бу борада Ўзбекистон ўз ёндашувларини жиддий мақбуллаштириш ва МДҲ фаолиятидаги иштирокига сифат жиҳатидан янги суръат бағишлашни мақсад қилиб қўйган. Шунинг билан таъкидламоқчиманки, МДҲ Ўзбекистон учун шунчаки мулоқот, фикр алмашиш ва қарашларни солиштириш «майдони» эмас. Бу тузилиш биз учун устувор соҳаларда амалий ҳамкорлик қилишнинг гоят муҳим институтидир. Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар эса бизнинг доимий шерикларимиз, кўшиларимиз ва дўстларимиздир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси миллий координатори макomini ташки ишлар вазири ўринбосаридан Бош вазир ўринбосари даражасига кўтаришга қарор қилдик. Шунингдек, биз МДҲ Иқтисодий кенгашидаги иштирокчимизни қайта тикладик. Биз Ўзбекистоннинг МДҲ доирасидаги ҳуқуқий базаси ва ҳамкорлиги ҳолатини тубдан қайта кўриб чиқиш ва шу асосда уни кенгайтириш учун имкониятлар истиқболлини белгилаб олишни режалаштирганимиз. Биз бир қатор устувор йўналишлар бўйича, аввало, савдо, инвестиция, транспорт, туризм, таълим ва илм-фан, шунингдек, хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштиришдан манфаатдоримиз. МДҲнинг биз аввал иштирок этмаган тармоқ органлари фаолиятида иштирок этишига тайёримиз. Бизнинг пировард мақсадимиз — Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорлигини фаоллаштириш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқишдир. Буларнинг барчаси муносабатларимизда принципиал жиҳатдан янги саҳифа очилишига, кенг қўламли ва самарали шерикликни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилишига ишонаман.

Бу борадаги биринчи қадам сифатида 3 ноябрь куни Тошкентда илк бор МДҲ Ҳукуматлар раҳбарлари кенгашининг мажлиси ўтказилди. Сизлар қўллаб-қувватласангиз, биз 2020 йилда Ҳамдўстликка раисликни қабул қилиш ва навбатдаги Саммитини Ўзбекистонда ўтказишга тайёримиз. Муҳтарам делегациялар раҳбарлари! Биз ўз олдимишга долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, ишонч ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ ва равшан мақсадлар қўймоқдамиз. Шу муносабат билан МДҲда Ўзбекистон иштирокининг қуйидаги устувор йўналишларини алоҳида қайд этмоқчиман. **Биринчидан.** Биз Ҳамдўстлик маконидан ҳеч қандай истисно ва чекловларсиз тез фурсатда **тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш**нинг тарафдоримиз. **Иккинчидан.** Буён Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатлари ўртасида товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиздан зиёд ошганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистон МДҲга аъзо мамлакатлар билан савдо, инвестиция, инновация ва молия соҳаларида янги лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор. Биз венчур лойиҳалар ва иқтисодий зоналарни биргаликда ривожлантиришга тайёримиз. **Иккинчидан.** Транспорт ва коммуникациялар соҳаси, МДҲ маконидан самарали интеграциялашган транспорт тизимини ривожлантириш, минтақамизнинг улкан транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш стратегик муҳим йўналишдир. Маъмурий тартибот ва регламентларни такомиллаштириш, юк ташувлари ва транзит учун ўзаро преференциялар тақдим этишини бу борадаги ишларнинг муҳим жиҳатлари, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан. Амалий илмий-техник ҳамкорлик ва таълим соҳасидаги алмашинуви кенгайтиришга ҳамкорликдаги ҳаракатларимизнинг устувор йўналиши сифатида қараймиз. Бизнинг Россиянинг нуфузли олий таълим муассасалари билан биргаликда тўплаган тажрибамиз асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича қўша дастурлар, юқори технологиялар соҳасида лойиҳалар, шунингдек, ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб боришни тақлиф этамиз. **Тўртинчидан.** Туризм соҳасида катта истиқболлар мавжуд. Фикримизча, биздаги кенг имкониятлар ва улкан туризм салоҳияти, афсуски, ҳалигача тўлиқ ишга солилмаган. МДҲга аъзо давлатларнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигини 2020 йилга қадар ривожлантириш стратегияси амалга оширилишини биргаликда таҳлил қилиш ва аниқ ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш мақсадида Ҳамдўстликнинг Туризм бўйича кенгашининг навбатдаги мажлисларидан бирини Самарқандда ўтказишни тақлиф қиламиз. **Бешинчидан.** Биз харбий-техник соҳадаги кооперация даражасини ошириш, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд шартнома ва битимлар доирасида қўша дастур ва лойиҳалар ишлаб чиқишдан манфаатдоримиз. **Олтинчидан.** Барча бунёдкорлик режаларимизни фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида, хавфсизликка таҳдид солувчи замонвий хавф-хатарларга ўз вақтида жавоб қайтариш орқали рўйга чиқариш мумкинлиги аён ҳақиқатдир. Шу муносабат билан жиноятчилик, терроризм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва одам савдосига қарши мурокасиз курашиш соҳасида **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар йўналишидаги ҳамкорлик** муҳим амалий аҳамиятга эга. **Афғонистондаги мураккаб**

вазият жиддийлигича қолмоқда. Ўзбекистон Россия, Марказий Осиё мамлакатлари ва МДҲнинг бошқа давлатлари билан ҳамкорликда Афғонистон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал қилиш бўйича кўмаклашишга тайёрлигини билдиради. Ҳурматли ҳамкасблар! Мажлисимиз кун тартибини муҳокама қилар эканмиз, **Оила институтини ва аънавий оилавий кадрларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги баёнотни** алоҳида қайд этмоқчиман. Бугунги глобаллашув шароитида хар қандай давлат ва жамиятнинг асосини ташкил этадиган асл ва фундаментал кадрларнинг унутмаслигимиз лозим. Ўсиб келаётган авлод айнан оилада маънавий-ахлоқий тарбия олади, масъулиятли бўлишни ва лоқайд бўлмашликни ўрганади. Ушбу муҳим соҳада тажриба алмашиш мақсадида Ўзбекистонда келгуси йилда «Оилани мустаҳкамлаш ва ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиялашга ўзини ёш бошқариш органларининг роли» мавзусида халқаро конференция ўтказишни тақлиф этамиз. Муҳтарам давлат раҳбарлари! Бугун бўлиб ўтган самарали мулоқот ва қабул қилинган қўша қарорлар МДҲ доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлишига ишонаман. Ҳамдўстликка раисликни қабул қилгани муносабати билан Тожикистон Президенти Имомали Шарипович Раҳмонга билдирилган табрикларга қўшиланган ва ушбу масъулиятли вазифани бажаришда унга катта муваффақиятлар тилайман. Сўзимнинг якунида Россия томонига ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путинга самимий қабул ва Саммит юксак даражада ташкил этилгани учун яна бир бор ўзининг миннатдорлигини билдираман. Эътиборингиз учун раҳмат.

Ернинг ҳар қаричи қадрли

Бугун жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб аҳамият касб этаётган муаммолардан бири озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласидир. Аҳолининг катта қисми тўлақонли равишда овқатланмаслиги, энг асосий микроэлемент ва витаминларга бой мева-сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари тақчиллиги айрим минтақаларда жиддий хавотир келтириб чиқараётгани ҳам аини ҳақиқат.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Нобб тупроқ ва иқлим шароитига эга мамлакатимизда эса кенг турдаги юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулай имкониятлар мавжуд. Қолаверса, табиятан омилиқор халқимизнинг узоқ асрлик дехқончилиги аънаваларини давом эттириб, ривожлантириб келаётгани озик-овқат хавфсизлигини тобора мустаҳкамлашга замин яратмоқда. Бироқ бу хотиржамликка берилишга асос бўлолмайди. Чунки аҳоли сонининг муттасил ўсаяётгани, жаҳон макъсидида иқтисодий танг вазият ҳукм сураётгани қишлоқ хўжалиги- да ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан ошириб бориш, тизимга инновацион технологияларни изчил татбиқ қилиш, соҳадаги имкониятлардан узоқни қўзлаган ҳолда, тўғри фойдалана билишни тақозо этмоқда. Бинобарин, яқин беш йилликнинг тараққиёт дастури — Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мамлакат озик-овқат хавфсизлигини кафолатлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. **(Давоми 2-бетда).**

ТАҲЛИЛ

Барчамиз бозорга ёхуд дўконларга борганимизда, албатта, сифатли маҳсулотларни сотиб олишни истаймиз. Табиийки, харид қилишдан олдин "Бунинг сифати яхшими?" деб сўраймиз. Бундай ҳолатларда сотувчилар ҳеч қачон сифатсиз маҳсулот сотаялмиш, демайди. Аксинча, ўз товарларини мактаб-мактаб харидорларга "ўтказадилар". Хўш, сотувчиларнинг гаплари қай даражада асосли?

Энди фикримизни қуйидаги мисол билан бошласак. Бухоролик Раҳима Бозорова фарзандлари учун тансиқ егулик тайёрлаш мақсадида тумандаги ишлаб чиқариш корхонасидан сут маҳсулотлари харид қилади. Аммо уйига келгач, унинг сифати бузилганига амин бўлади. Шунда истеъмолчи тadbirkорга сотаётган сут маҳсулотлари сифатсиз эканини кўрсатиб, тўлаган пулининг қайтарилишини сўрайди. Аммо корхона раҳбари бундан бош тортади...

ҲАЛОЛЛИКДАН БАРАКА ТОПАСАН, АКСИ БЎЛСА...

Ушбу воқеани мисол тариқасида бежиз келтирмадик. Демак, аҳолига сотилаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам сифатли эмас. Шу боис ҳар қандай буюмни, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишдан олдин унинг сифати ва яроқлилик мuddатини текширишни унутманг. Бу ҳам оилангиз саломатлигига, ҳам ҳамёнингизга фойдалидир.

Бугун мамлакатимизда аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш ҳамини кўпайтириш, ички бозорни сифатли ҳамда арзон истеъмол моллари билан тўлдириб беришда изчил чора-таdbirkорлар амалга оширишга асос қўйилган. Айниқса, мазкур соҳада фаолият юритаётган тadbirkорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар тақдим этилганки, пировадда ишбилармонлар сафи йил сайин кўпаймоқда.

Истеъмолчини алдаган мижозини йўқотади

Дарҳақиқат, юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, ҳар қадамда савдо шохобчаларини учратадиз. Улардан қандалир хабаримиз учун зарур бўлган исталган турдаги озиқ-овқат маҳсулотини топиш мумкин. Бу — бизнинг ютуғимиз. Лекин масаланинг иккинчи томони борки, у ҳам бўлса, дўконларда, савдо расталарида сотилаётган маҳсулотларнинг сифати қўйилган талабларга мувофиқми?

"Узстандарт" агентлиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилган таҳлил натижалари шу саволга ойдинлик киритиш имконини берибди. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мობайнида 170 дан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва сотувчи тadbirkорлик субъектларида стандарташтирашга оид ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талаблар, метрология ҳамда сертификатлаштириш қондаларининг бажарилиши устидан давлат назорати ўтказилди. Натижа эса...

Гап шундаки, текширувларда 340 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги синондан ўтказилган бўлса, шундан 80 турдаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига номувофиқ, деб топилган. Уларнинг аксарияти қундалик ҳаётимизда истеъмол қиладиган — нон ҳамда нон маҳсулотлари, ичимликлар, қолбаса маҳсулотлари эканлиги ачинарли ҳол, албатта. Ахир талабга жавоб бермайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари инсон саломатлиги учун хавф тўғдиришини, наҳотки, "устомон"

чилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат этди, — дейди Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Федерация раиси ўринбосари, ижро директори Нодирбек Юсупов. — Аризалар мутахассислар томонидан ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, сут, шунингдек, ун ҳамда бошқа ёрма маҳсулотлар талаб даражасида сақланмагани боис истеъмолчига яроқсиз ҳолга келиб қолгани тасдиқланди. Ачинарлики, бундай мисоллар учраб туради. Қинғир йўл, барибир, қинғир-да.

1 миллиард сўмликка яқин озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчига яроқсиз, деб топилди.

Мазкур ҳолатлардан ким жабр кўради? Албатта, истеъмолчилар. "Қарс икки қўлдан", деганларидек, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётган истеъмолчидан ҳам хушёрлик талаб этилади. Улар маҳсулотнинг яроқлилик мuddатига, сақлиниш ҳолати, қадоқлиниши ва сифатига эътибор қаратишлари лозим.

Истеъмолчи ушбу тамойилга доимо амал қилса, юз бериши мум-

«Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилаган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкили этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуналигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тadbirkорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасидан.

ишбилармонларимиз билмасми? Бу ишончини суиистеъмол қилишдан бошқа нарса эмас. — Бунга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг стандартлар билан таъминланмагани, белгиланган физик-кимёвий кўрсаткичлари талаб даражасида эмаслиги, ёрқиланиши ва қадоқлиниши, ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаслиги, сифатли сақлаш қондаларига риоя этилмаслиги каби қатор омиллар сабаб бўлмоқда, — дейди "Узстандарт" агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Зоир Аманов.

Ҳуқуқини билган ютказмайди

Яқинда наманганлик Рашида Мухаммадалиева. Ёштакўприк маҳалласида жойлашган "Алишер Абдулқадир" масъулияти чекланган жамиятига қарашли дўкандан ун сотиб олиб, ноқулай ахволга тушиб қолди. Сабаби, ун истеъмолга яроқсиз экан. — Ҳар иккала харидор истеъмол-

кин бўлган қўллаб қўнгилсизликлар, овозгарчилик ҳамда асаббузарликларнинг олди олинди. Энг муҳими, истеъмолчи андишага бормай, ҳақ-ҳуқуқини талаб этса, муаммога ўрин қолмайди.

Тарози адолат мезони эмасми?

Мувофиқлик сертификати эга бўлмасдан, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўйиб бизнесини юритаётган ва алдамчи йўллар билан ишлаб чиқараётган маҳсулотини савдо расталарида сотаётган "удабурон" тadbirkорлар ҳам, афсуски, орамизда йўқ эмас.

Халқимизда "Тарози — Яратган рози", деган пурмаёно нақл бор, — дейди лойтахтимизнинг Яшнотоб туманидаги "Тон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рахшан Тўраев. — Бунинг маъноси шунки, тарозига қўйилган ҳар қандай буюм оғирлиги адолатли, ўта аниқликда белгиланиши лозим. Тарозидан

қин бўлган қўллаб қўнгилсизликлар, овозгарчилик ҳамда асаббузарликларнинг олди олинди. Энг муҳими, истеъмолчи андишага бормай, ҳақ-ҳуқуқини талаб этса, муаммога ўрин қолмайди.

Тарғиботнинг аҳамияти қатта

— Ҳақиқатан ҳам, стандарташтираш ва сертификатлаштириш тизимини янада ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ қилиш, тadbirkорлар ҳамда аҳолига кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари турларини кенгайтириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилапти. Ж. Шукроровнинг билдиришича, йил якунига қадар, хорижий давлатларда бўлгани каби, бизнинг мамлакатимизда ҳам "ҳалол" стандартларини қўллаш мўлжалланган. Айни пайтда бу борада тегишли дастур ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга киришилган. Бу маҳсулотларимизнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш билан бирга, юртимизга ташриф булорач сайёҳларнинг уларга бўлган ишончини ҳам оширади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон — жонажон Ватаним!»

Фуқаролик паспортига эга бўлган бир гуруҳ юртдошларимиз буни чексиз гуруҳ билан изҳор этишмоқда

Сирдарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 22 кишига фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Тadbirkор мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонун билан кафолатлаб қўйилгани, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортининг эгаси давлат муҳофазасида экани таъкидланди.

Сардоба туманидаги Пахтаобод шаҳарчасида яшовчи Алексей Валериевич Тихонов муқталиқ давлатимиз фуқаролигини олишни 24 йил орзиқиб кутганини, бугун унинг орузси рўёбга чиққанини қувонч билан маълум қилди. Оқолтин туманилик, 1992 йилда Тожикистон Республикасида туғилган Элёр Бобоев эса паспортини, аввало, ўзи ҳавас қилиб келган тенгдошларига кўрсатишини ҳамда энди "Ўзбекистон — жонажон Ватаним!" деган сўзларни янада чексиз фахру ифтихор билан изҳор этиш имкониятига эга бўлганлигини билдирди.

— Ушбу паспорт мен учун жуда қадрли, — дейди Гулистон шаҳридаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Фарходжон Суяндиев. — У менга битмас-туганмас куч-қувват беради, юртимиз келажаги учун масъул ҳамда дахлдор эканлигини эслабди туради. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлиш учун бор куч ва салоҳиятимни ишга соламан.

Маросимда ана шундай самимий дил сўзлари бот-бот янгради. Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖИЗЗАХ ТОМОНЛАРДА

Маҳсулотнинг 95 фоизи — экспортга

Дўстлик туманидаги "Fresh Style" масъулияти чекланган жамияти томонидан ойига 240 миллион сўмлик болалар ва катталар кийимлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Хитой ва Туркия давлатларидан келтирилган илгор технологик ускуналар иш унумдорлигини оширишда қўл келаяпти, — дейди корхона директори Зоир Шарипов. — Маҳсулотларимизга хорижда ҳам талаб қатта. Тайёрланаётган кийим-кечакларнинг 95 фоизи экспорт қилинаётгани бунинг тасдиғидир.

Этиборлиси, жорий йил якунига қадар матони бўяш ҳамда бичиш линияларини ишга тушириш кўзда тутилган. Шунинг ҳисобига қўшимча 400 та иш ўрни очилади.

Табиий толанинг беқиёс сифати

"Жиззах индустриал тўқима" масъулияти чекланган жамияти — Шароф Рашидов туманидаги тўқимачилик соҳасига иктисослаштирилган илгор корхоналардан бири. У йилига 2 минг тонна тўқимачилик маҳсулотлари ва 3 миллион погон метр бўз ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Маҳсулотларимиз табиий пахта толасидан тайёрланаётгани, сифати эса юқорилиги туфайли ташқи бозорда рақобатдош, — дейди жамият раҳбари Жаҳонгир Зухуров. — Россия, Украина, Туркия ҳамда Польша давлатларидаги йирик корхоналар асосий буюртмачиларимиз ҳисобланади. Мисол учун, Россиянинг "ТДЛ Текстиль" корхонаси томонидан ойига 100 тонна қалава ип харид қилинади. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 220 минг АҚШ долларлик экспорт амалиётини бажардик.

Хадемай, янги тасмалаш, йиғирув ва тўқим чехлари ишга туширилгач, бу кўрсаткич янада ортади. Шунингдек, 100 кишининг бандлиги таъминланади.

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 30 СЕНТЯБРДАН 6 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 29 сентябрдаги 9, 27-ққ, 143-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлари фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.
2017 йил 3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-3 (2017 йил 4 октябрдан қўлға кирди).

ТИББИЁТ

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида юрак томирларини стендлаш орқали қон айланишини яхшилаш амалиёти ўзлаштирилди. Бунда хорижий, жумладан, россиялик таниқли шифокорлар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани айни мuddао бўлди.

Мураккаб жарроҳлик амалиёти

Жумладан, яқинда мазкур мамлакатдан келган мутахассис Дмитрий Редкин бу ерда бурролик ҳамкасблари билан биргаликда бир неча беморда ана шундай мураккаб жарроҳлик амалиётини ўтказди. Маҳорат сабоқлари жараёнида узаро тажриба алмашилди.

Тиббиёт маркази моддий-техника базасининг мустаҳкамлиги, хусусан, унинг замонавий ангиограф ускунаси билан жиҳозлангани Бухорода ҳам юрак-ишемик касалликларини муваффақиятли даволашни амалга ошириш имконини берибди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ноёб жарроҳлик амалиётининг ўзлаштирилиши беморларга бир қатор қулайликлар яратмоқда. Улар шу пайтга қадар даволаниш учун мамлакатимиз пойтахти ёки хорижда боришга мажбур бўлишаётганди. Эндиликда эса бунга ҳожат йўқ. Чунончи, қисқа мuddат ичида Бухорода юрак-ишемик хасталиги билан оғриган 200 нафардан зиёд беморлар соғайиб, ўз оиласи бағрига қайтилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Фермерни бойитган хазина

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, хусусан, аҳолининг парhez гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда паррандачилик алоҳида ўрин тутди. Шу боис мамлакатимизда чорвачиликнинг мазкур тармоғини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилапти. Бунинг самараси ўлароқ, паррандалар сони кўпайиб, ички бозор сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилади.


ИЗЛАНИШ

Бундай ижобий натижа қўлга киритилишида ушбу жаbбада меҳнат қилаётган кўплада тadbirkору фермерлар қаторида, Асака туманидаги "Шарк Баходир" фермер хўжалигининг 63 кишилик жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, бу ерда 200 мингтадан ортиқ товуқлар парваришланаётган бўлиб, кунига 100 — 120 минг дона тухум олинмоқда.

Фермер хўжалиги раҳбари Иштиёржон Бадалов давлатимиз томонидан яратиб берилган шартлардан унумли фойдаланаётгани, жумладан, Германия, Буюк

Британия, АҚШ, Нидерландия каби мамлакатлар мутахассислари билан узаро тажриба алмашиб, амалиётга замонавий технологияларни татбиқ этгани туфайли катта муваффақиятларга эришяпти.

Гап шундаки, бу ерда парранда боқиш жараёни компьютерлаштирилган дастур асосида амалга оширилмоқда. Уларга берилаётган озуқа вақти, микдори, таркиби автоматик тарзда бошқарилади. Тухум конвейер усулида йиғиб олинади ва қадоқланади. Бунда Германиянинг "Salmet International GmbH" компаниясидан ишлаб чиқарилган сўнгги ру-



сумдаги техник воситалардан фойдаланилаётгани қўл келаяпти. — Маҳсулотларимизни ички бозорга етказиб бериш билан чекланиб қолмасдан, экспортни ҳам йўлга қўйганмиз, — дейди фермер. — Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида афғонистонлик буюртмачиларга 7 миллион дона тухум жўнатдик.

Паррандачилик истикболда гўшт ҳамда тухумни сифатли сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунга яхши англаган хўжалик жамоаси парhez маҳсулотларни 6 ой давомида бенуқсон сақлаш борасидаги лойиҳага қўл урган.

— Юртимизда соҳани ривожлантириш учун барча имконият мавжуд, — дейди И. Бадалов. — Шу билан бирга, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, мутахассисларнинг өтishмаслиги тизимдаги долзарб муаммолардан биридир. Тармоқда самарадорликнинг

Самимжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хурсандбек АРАББОВЕВ ошан сўрталар.

Шахрисабзнинг Қозигуззар маҳалласида яшовчи Рашид Хайдаров хорижий сайёҳлар учун уй меҳмонхонаси бунёд этди. Қадимий иншоотда очилган мазкур ноанъанавий меҳмонхона хорижий сайёҳларга худуд аҳолиси турмуши, урф-одатлари билан яқинроқ танишиш, тарихий давр ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Ноодатий меҳмонхона

Айтиш жоизки, Р. Хайдаровнинг тахминан XIX асрга мансуб бўлган, ноёб меъморийлик услубида қурилган хонадонни қарийб уч минг йиллик ўтмишга эга бўлган қадим Кешда сақланиб қолган ана шундай кўчма иморатлардан биридан. — Амир Темур бобомиз даврида Шахрисабздаги қурилш архитекура-

сининг ривожланиши аҳоли уй-жойларини қуриш маданиятига ҳам ижобий таъсир ўтказган, — дейди Р. Хайдаров. — Хусусан, усталар уларнинг деворлари пишиқ ва мустаҳкам бўлиши учун гиштни саксовул оловида пиширишган. Шундай қурилш материаллари асосида барпо этилган уйимизнинг бир қисми-

ни меҳмонхонага мослаштириб, ташқи ҳамда ички қисмларини миллий буюмлар билан жиҳозладик. Бу ерда меҳмонлар учун барча қулайлик яратилди. Сўзаналар, мисдан ясалган кўза, офтоба ва лаганлар, сопол хумдон, ёғоч лавҳа каби безаклар хорижий сайёҳларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Аҳед МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КАДРИЯТ

Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Марғилон... Ушбу шаҳарларимиз номини эшитган киши борки, кўз олдига қадимий ва эртанамо Шарқнинг осмонлар обидалари, амалий санъат дурдоналари — зардўзлик, кулоллик, каштадўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, қандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, тўқувчилик маҳсулотлари, атласу адрас, бетакорр шойи матолари намойи бўлади.

ЭЗГУЛИК САРИ ЙЎЛ

Жумладан, Оқсаройдан Дорус-саодатгача бўлган худудда ҳам қадимий шаҳарсозлик анъаналари уйғунлаштирилган шундай маскан барпо этилди. Ямшиқ дарахтлар ҳамда майсазорлар, улкан фавворалар беэзаб турган бетакорр аллеянинг ён атрофида 30 га яқин икки қаватли бинолар қад кўтарди. Бугун шу манзилга йўлингиз туша, миллий хунармандчилик маҳсулотлари дўконлари ва гиламдўзлик, каштадўзлик, кулоллик, тўқувчилик билан шуғулланаётганларга кўзингиз тушади. Бу биноларнинг биринчи қавати устакхона ҳамда галерея, иккинчи қавати эса хунармандлар учун уй қилиб берилган. Ушбу марказга сайёҳларнинг, юртдошларимизнинг қизиқиши қундан-қунга ортиб бормоқда.

исмли ўғли бўлган. Шайхзода ёшлик чоғида қазо қилган. Қизи Гавҳари Хўшжонни эса Қорачик қишлоғида яшайдиган Аҳмад ал-Қорачикга келинликка берган. Бу никоҳдан уч ўғил таваллуд топган бўлиб, энг кичигининг исми Мустафоқул бўлган. "Бузургони Сайрам"га кўра, унинг қошлари қалин ҳамда қорақў бўлганидан боболари Яссавий: "Бизнинг сузугимиз келдилар, келинг, келинг", деб эркатлар эканлар.

шўғулланиб келган. "Паргори" йўналишида ижод қилиб, Тошкент ёғоч ўймакорлик санъатини ривожлантирган Сулаймон Хўжаев айнан шу ерда туғилиб, ижод қилган. Шунингдек, Сузукотада этикдўз-қосиблар, арава ясовчи усталар ҳам бўлган. Лойиҳага асосан, худуддаги Сузукота макбараси ва жоме масжиди қайта қурилиб, унинг атрофида хунармандчилик маркази барпо этилади. Қадимий ҳамда замонавий ўзбек халқ меъморчилиги анъаналари уйғунлигида қад кўтарилган биноларнинг биринчи қавати устакхона, галерея бўлса, иккинчи қавати хунармандлар оилалари учун тураржой вазифасини ўтайди.

Мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини ошириш, аҳоли турмушини янада юксалтириш борасида қабул қилинаётган Фармонлар, қарорлар, давлат дастурлари билан танишар эканмиз, ҳар бир манзилда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини барпо этиш, тарихий қадимликларимизни қайта таъмирлаш, у ерларга сайёҳларни жалб қилиш каби масалалар алоҳида эътиборга олинганлигини кўрамиз.

Маҳаллада яшовчи кекса отахон, фахрий муҳандис Аскархўжа Обидов лойиҳаси асосида Республика "Хунарманд" уюшмаси кўмағида Чигар Абдурашид Раҳимов ва моҳир хаттотлар иштирокида Қуръони Каримнинг 3x2 метр ҳажмида дунёдаги энг катта нусхасини тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган. Ушбу муқаддас китоб айнан Сузукота мажмуасига ўрнатилиши режалаштирилмоқда. Аскархўжа Обидов муаллифлигида нашрга тайёрланаётган "Аҳмад Яссавий ва Сузукота" номли китобда эса улар ҳақида халқ орасида маълуму машҳур бўлган ривоятлар, маҳаллада яшаб ўтган хунармандлар ҳамда уларнинг сулолалари ҳақидаги қимматли маълумотлар жамланган.

Айни кунларда худудда улкан қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Яқин келажақда муазам Тошкентда яна бир муқаддас қадимчи қайта тикланади, маданият ва хунармандчилик маркази бунёд бўлади. Бу каби хайрли амаллар эса юртимизни янада ободонлаштиришга хизмат қилиши муқаррар.

Юртбошимизнинг 25 май кунини Шайхонтоҳур туманига таърифи чоғида Сузукота Хунармандлар марказини барпо этиш ҳақидаги тақдирларимизни авайлаб асрашда айни муддао бўлди. Зеро, Тошкент азалдан наққошлик, кулоллик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, каштадўзлик ҳамда бошқа хунарманд кенг ривожланган йирик шаҳар ҳисобланади. Ушбу марказнинг айнан Сузукота маҳалласи худудида бунёд қилиниши ҳам бежиз эмас.

Бугунги кунда 4700 киши истиқомат қилаётган худуд халқ орасида "Усталар маҳалласи" деб эътироф этилади. Бу ерда бир неча юз йиллик сулола давомчилари бўлган хунармандлар фаолият юритишдади. Маҳалла аҳли асрлар давомида дарадгорлик, иморатсозлик, уй-рўзгор буюмлари ясаш, ёғоч ўймакорлиги, қирмақашлик, бешиксозлик, каштадўзлик, дўппидўзлик, чеварлик билан

Яқинда мазкур Фармон ижроси доирасида Хоразм вилоятининг Бўғот ҳамда Ҳазорасп туманларида ҳам "Нуронийлар маскани" фойдаланишга топширилди. Бўғот туманидаги маданият ва истироҳат боғи худудида барпо қилинган "Нуронийлар маскани"нинг очилиши бағишланган тантанали маросимда

Лола МУХУТОВА.

Меҳр тафти

Она учун фарзанднинг бахту иқболини кўришдан ортиқроқ бахт йўқ. Биз, Меҳрибонлик уйи тарбиячилари масканимиздаги ҳар бир ўғил-қизнинг камолга етиб, муваффақиятларга эришадиганидан беҳад қувонамиз. Негаки, улар ҳам ўз фарзандимиз.

ГАМХЎРЛИК

Муассасамизда мурғак қалб эгаларининг болалик гаштини суриши, яхши тарбия олиши, ҳар томонлама соғлом вояга етиши учун барча қулайлик яратилган. Замонавий ётоқхона, турли тўғарақлар, кутубхона, спорт майдони — улар ихтиёрида. Ҳар бир бола ўз қизиқишидан келиб чиққан ҳолда, санъат, миллий хунармандлик, спорт билан шуғулланиш имконига эга. Ёзги таътилни эса мамлакатимизнинг

энг сўлим оромгоҳларида ўтказишади. Меҳрибонлик уйида меҳнат қилаётганимга 13 йилдан ошди. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча болажонлар улғайиб, ҳаётда ўз ўринларини топишди. Байрамлар баҳонасида ҳол сўраб келишади, олисда бўлишса, қўнғирок қилишади. Шундай пайтларда бошимиз осмонга етади. Кучимизга куч қўшилади. Тажрибамдан келиб чиқиб айта-

манки, боланинг бегонаси бўлмайди. Болаларимни шахримиздаги 8-умумтаълим мактабига олиб борганимда, синфдошларидан баъзилари юғриб келиб мени маҳкам кучоқлаб олишади. Ана шундай паллаларда уларнинг она меҳрига муҳтожликларини сезаман. Турли вақтларни рўқча қилиб зурриятини қаровсиз қолдираётган айрим ота-оналар бунинг аглаб етишса, кошки эди... Бу ҳақда тўхтаётганимнинг боиси бор. Масканимизда айни дамда 88 нафар ўғил-қиз тарбияланаяпти. Уларнинг атиги етти нафари чин етим, холос. Қолганларининг яқинлари турли сабабларга кўра, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум

қилинган. Биз шу болажонларга оналик меҳрини бераёلمиз. Бунинг қарангки, киши болажон бўлса, ўғил-қизларидан меҳрини дариф тутмаса, нафақат ўзи меҳнат қилаётган жойда, шу билан бирга, бутун мамлакат миқёсида ҳам ҳурмат-эътибор топаркан. Бунга ўз ҳаётим мисолида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Мустақиллигимизнинг 26 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида давлат муқофоти билан тақдирландим. Бу эътиборга наққорон авлодини Ватанимизга садоқатли, меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш билан жавоб бераман.

Ойша ҲОШИМОВА, Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, «Шухрат» медали соҳибаси.

«Нуронийлар маскани»нинг файзи ўзгача

Юртимизда ёши улғу инсонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилаш, ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан барча шаҳару туманларда "Нуронийлар маскани" бунёд этилаётгани ана шу гамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.



ЭҲТИРОМ



Худойберганов. — Сўлим гўшада жойлашган маскан кексаларимизга ўзаро мулоқотда бўлиш, қолаверса, саломатликларини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар яратди. Бундай юксак эътибор ҳамда гамхўрлик биз, фахрийларга куч-қувват бахш этиб, умримизга умр қўшади. Ҳазорасп тумани марказида қад ростирилган "Нуронийлар маскани"ни куриш учун қарийб 1 миллиард сўм сарфланди. Миллий ва замонавий меъморчилик услубида бунёд қилинган мазкур кўркам қошнадан бой китоб фондига эга бўлган кутубхона, тиббиёт хонаси, махсус тренажёрлар билан жиҳозланган соғломлаштириш зали, шахмат-шашка клуби, чойхона ўрин олган. Янги биноларнинг фойдаланишга топширилишига бағишланган тадбирларда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Ҳ. Собиров иштирок этди.

Одилбек ОДАМБОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шоназар ҚОРИЕВ (Ў.А.) олган суратлар.

БИЛАСИЗМИ?

Манзарали ўсимлик сифатида экиладиган тирноқгул номига мос ўсимлик. Яъни унинг меваси қушнинг тирноғига ўхшаб ичкари томонга қайрилиб кетади. Шу туфайли уни «куштинроқ» ёки «тирноқгул», деб атайдилар.

Дардан фориф этувчи гул

Тирноқгул фармацевтика саноатида муҳим хом ашё, халқ табибатида эса шифобахш маҳкам сифатида алоҳида қадрланади. Чунки у аллергия, гепатит, гипертония, нефрит, аритмия, артрит, бод (ревматизм) каби хасталикларни даволашда қўл келади. Бунинг учун ўсимликнинг гулларидан фойдаланилади. Гул таркибида календен, каротин, органик кислоталар, эфир мوي ва бошқа қўллаб-қувватлаш моддалар бор.

Халқ табибатида унинг гулидан тайёрланган дахлама бош айланиси, иситма, шунингдек, баъзи кўз хасталиқларида қўлланилади. Ўсимликнинг гул саватчаларидан тайёрланган дахлама ёрдамда эса жигар, талоқ ва ичак касалликлари даволанади. Тирноқгул дахламаси турли яралар (хўпоз, чипқон, хасмон)да обзан (ванна), бўзилма (компресс) қўрилишида қабул қилинса, яхши самара беради. Қуштинроқ пешоб ҳайдашда, қовуқдаги тош ва қўмдан ҳалос бўлишда ҳам наф келтиради. Унинг қайнатмаси рахит, йўтал, қорин оғриғида истеъмол этилса, шифо бағишлайди.

Тирноқгулдан доимий равишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. "Асалнинг ози ширин" деганларидек, уни йилда икки мартаба, баҳор ва куз фаслида қабул қилиш мумкин.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

ЭЪЛОН

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

куйдаги ихтисосликлар бўйича 2018 йил учун таянч докторантура ва докторантура ҳамда мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА: (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 05.00.00 — Техника фанлари;
05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш
Таянч докторантура — 2 ўрин
Докторантура — 1 ўрин
05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялари ва электр ускуналари
Таянч докторантура — 1 ўрин
05.09.06 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши
Таянч докторантура — 1 ўрин
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси
Таянч докторантура — 2 ўрин
06.00.00 — Қишлоқ хўжалиги фанлари;
06.01.02 — Мелиорация ва сугорма деҳқончилик
Таянч докторантура (техника фанлари бўйича) — 1 ўрин
Докторантура (техника фанлари бўйича) — 1 ўрин
08.00.00 — Иқтисод фанлари;
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
Таянч докторантура — 1 ўрин
Докторантура — 1 ўрин
11.00.00 — География фанлари;
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш
Таянч докторантура — 1 ўрин
Докторантура — 1 ўрин
13.00.00 — Педагогика фанлари;
13.00.05 — Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси
Таянч докторантура — 1 ўрин

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- Таянч докторантурага:
• ариза;
• қисқача биографик маълумотнома;
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
• олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий

маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
• нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлган ишлар тақдим этилади).

Докторантурага:

- ариза;
• қисқача биографик маълумотнома;
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
• олий таълим муассасаси магистратураси дипломи (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
• тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
• нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг, муҳим илмий ютуқларга эришган, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлган ишлар тақдим этилади).

Мустақил изланувчиликка:

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 05.00.00 — Техника фанлари;
05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш

- 05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялари ва электр ускуналари
05.09.06 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси
06.00.00 — Қишлоқ хўжалиги фанлари;
06.01.02 — Мелиорация ва сугорма деҳқончилик
07.00.00 — Тарих фанлари;
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи
08.00.00 — Иқтисод фанлари;
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти
11.00.00 — География фанлари;
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш
13.00.00 — Педагогика фанлари;
13.00.05 — Касб-хунар таълими назарияси ва методикаси

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- қисқача биографик маълумотнома;
• фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий таълим муассасаси магистратураси дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
• меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
• илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
• фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
• иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 октябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 237-09-46, 237-19-61.

12000/440

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper, including contact information for the editorial office, subscription rates, and a QR code for digital content.